



**ТАРЖИМАШУНОСЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**

Ташева Этибор Бахтиёровна

Самарқанд давлат чет тиллар институти,

Самарқанд, Ўзбекистон

e-mail: Tasevaela187@gmail.com

**СТАНОВЛЕНИЕ И ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ
ПЕРЕВОДОВЕДЕНИЯ**

Ташева Этибор Бахтиёровна

Самарқандский государственный

институт иностранных языков, Самарқанд, Узбекистан.

e-mail: Tasevaela187@gmail.com

**THE FORMATION AND THEORETICAL FOUNDATIONS OF
TRANSLATION STUDIES**

Tasheva Etibor Bakhtiyorovna

Samarkand State Institute of Foreign Languages, Samarkand,

Uzbekistan

e-mail: Tasevaela187@gmail.com



Аннотация: В статье рассматривается переводоведение как самостоятельная междисциплинарная область лингвистического знания, изучающая перевод как сложный, многоуровневый и многофакторный процесс. Анализируются основные научные подходы к определению предмета переводоведения, представленные в трудах отечественных исследователей, таких как В.Н. Комиссаров, И.С. Алексеева, Л.Л. Нелюбин, Г.Т. Хухуни и В.Н. Виноградов. Особое внимание уделяется историческому развитию теории перевода, в рамках которого выделяются четыре ключевых этапа - от обобщения практического опыта переводчиков до формирования системной научной теории перевода в середине XX века. В статье подчёркивается социально-культурная значимость перевода как средства межъязыковой и межкультурной коммуникации, а также его роль в развитии национальных культур и литератур. Делается вывод о том, что переводоведение следует рассматривать не только как науку о языковом соответствии, но и как область, охватывающую когнитивные, культурные и социальные аспекты переводческой деятельности.

Ключевые слова: переводоведение, теория перевода, переводческая деятельность, межъязыковая коммуникация, межкультурное взаимодействие, история перевода, лингвистика, письменный и устный перевод, переводческий процесс.

Аннотация: Мақолада таржимашунослик лингвистик билимнинг мустақил фанлараро соҳаси сифатида қаралиб, таржима мураккаб, кўп босқичли ва кўп омилли жараён сифатида таҳлил этилади. Таржимашуносликнинг предметини белгилашга доир асосий илмий ёндашувлар В.Н. Комиссаров, И.С. Алексеева, Л.Л. Нелюбин, Г.Т. Хухуни ва В.Н. Виноградов каби маҳаллий олимлар асарлари асосида кўриб чиқилади. Таржима назариясининг тарихий ривожига алоҳида



Этибор қаратилган бўлиб, унинг доирасида таржимонлар амалий тажрибасини умумлаштиришдан тортиб, XX аср ўрталарида таржиманинг тизимли илмий назарияси шаклланишигача бўлган тўртта асосий босқич ажратиб кўрсатилади. Мақолада таржиманинг тиллараро ва маданиятлараро мулоқот воситаси сифатидаги ижтимоий-маданий аҳамияти, шунингдек, миллий маданиятлар ва адабиётлар таракқиётидаги ўрни ёритиб берилади. Хулоса сифатида таржимашуносликни фақат тиллараро мувофиқликни ўрганувчи фан сифатида эмас, балки таржимачилик фаолиятининг когнитив, маданий ва ижтимоий жиҳатларини қамраб олувчи соҳа сифатида қараш лозимлиги таъкидланади.

Калит сўзлар: таржимашунослик, таржима назарияси, таржимачилик фаолияти, тиллараро мулоқот, маданиятлараро ўзаро таъсир, таржима тарихи, тилшунослик, ёзма ва оғзаки таржима, таржима жараёни.

Abstract: The article examines Translation Studies as an independent interdisciplinary field of linguistic knowledge that investigates translation as a complex, multi-level, and multifactorial process. The main scholarly approaches to defining the subject matter of Translation Studies are analyzed on the basis of works by prominent researchers such as V. N. Komissarov, I. S. Alekseeva, L. L. Nelyubin, G. T. Khukhuni, and V. N. Vinogradov. Particular attention is paid to the historical development of translation theory, within which four key stages are identified—from the generalization of translators' practical experience to the formation of a systematic scientific theory of translation in the mid-twentieth century. The article emphasizes the socio-cultural significance of translation as a means of interlingual and intercultural communication, as well as its role in the development of national cultures and literatures. It is concluded that Translation Studies should be regarded not only as a discipline concerned with linguistic equivalence, but



also as a field encompassing the cognitive, cultural, and social aspects of translation activity.

Keywords: Translation Studies, translation theory, translation activity, interlingual communication, intercultural interaction, history of translation, linguistics, written and oral translation, translation process.

Таржимашунослик - таржиманинг турли жиҳатларини ўрганувчи илмий фанлар мажмуаси (Комиссаров, 2002); таржима ва таржима натижаларини турли нуқтаи назарлардан ўрганадиган илмий фан [1] (Алексеева, 2004, 47-б.); «таржимани ҳам жараён, ҳам матн сифатида ўрганадиган, таржима муаммоларини, унинг шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичларини, умумий ва хусусий назарий асосларини, таржима жараёнининг методикаси ва техникасини, ахборотни бир тилдан иккинчи тилга оғзаки ва ёзма шаклда узатиш бўйича таржимонлик кўникма ва малакаларини шакллантиришни тадқиқ этувчи фан» [2] (Нелюбин, Хухуни, 2006, 5-б.); «таржима жараёни ва унинг қонуниятларини ўрганишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган илмий фан; асл матн ва таржима матнлари устидаги аниқ кузатувларни умумлаштириш ва тизимлаштириш орқали турли даражадаги тиллараро таржимавий мувофиқликларнинг моҳияти, хусусияти ва мунтазамлигини очиқ бериш; таржима усул ва воситаларини тавсифлаш, таржима амалиёти ва назариясининг тарихини кўриб чиқиш, таржималарнинг миллий маданият ривожигаги ўрнини аниқлаш» [3] (Виноградов, 2004, 12-б.).

Замонавий тилшунослик томонидан ўрганиладиган кўплаб мураккаб муаммолар орасида тиллараро нутқий фаолиятнинг лингвистик жиҳатларини тадқиқ этиш муҳим ўрин эгаллайди. Бу фаолият «таржима» ёки «таржимачилик фаолияти» деб аталади.



Таржима, шубҳасиз, инсон фаолиятининг жуда қадимий турларидан биридир. Инсоният тарихида тиллари бир-биридан фарқ қиладиган инсонлар гуруҳлари пайдо бўлиши биланок, турли тилли жамоалар ўртасида мулоқотни таъминловчи «биллингв» шахслар ҳам вужудга келган. Ёзувнинг пайдо бўлиши билан бундай оғзаки таржимонлар - «тилмочлар» қаторига расмий, ишбилармонлик ва диний хусусиятга эга бўлган турли матнларни таржима қилувчи ёзма таржимонлар ҳам қўшилди. Илк даврларданок таржима энг муҳим ижтимоий вазифани бажариб, инсонлар ўртасида тиллараро мулоқотни амалга ошириш имконини яратди. Ёзма таржималарнинг кенг тарқалиши эса одамларга бошқа халқларнинг маданий ютуқларига кенг йўл очиб берди, адабиётлар ва маданиятларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда ўзаро бойишини таъминлади.

Таржима назариясининг ривожланишида тўртта асосий босқични ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) Илк босқичда таржима назариясининг дастлабки намояндалари таржимонларнинг ўзлари бўлиб, улар ўз амалий тажрибаларини умумлаштиришга интилишган. Намунали деб ҳисобланган асарларнинг илк таржималарида аслиятни сўзма-сўз кўчиришга бўлган интилиш устувор бўлиб, бу ҳолат таржиманинг ноаниқ ва тушунарсиз бўлишига олиб келган. Натижада, таржимоннинг аслиятга нисбатан ҳуқуқларини назарий жиҳатдан асослаб бериш зарурати пайдо бўлган. 2) XIX аср охирига келиб, таржимонлар «меъёрий таржима назарияси»га ўхшаш қарашларни шакллантира бошладилар ва «яхши» таржима ёки таржимон жавоб бериши лозим бўлган қатор талабларни баён этдилар. 3) XX аср ўрталарига келиб, таржимачилик муаммолари тилшунослар диққатини жалб эта бошлади ва таржима илмий назариясининг асослари ишлаб чиқилди. Тилшуносларнинг таржимага бўлган муносабати В. Гумбольт



томонидан яққол ифодаланган бўлиб, кейинчалик унинг қарашлари «таржима қилиб бўлмаслик назарияси» сифатида шаклланди. 4) XX асрнинг 1950-йилларига келиб, тилшунослар таржимачилик фаолиятига бўлган муносабатларини тубдан ўзгартиришга мажбур бўлдилар ва уни тизимли равишда ўрганишга киришдилар.

Таржимашунослик илк бор 1930-йилларда тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида мустақил фан сифатида шаклланди. Таржима назариясини яратишга қаратилган дастлабки жиддий уринишлар рус олимлари А.В. Фёдоров ва Я.И. Рецкер асарларида амалга оширилди. Улар «мунтазам мосликлар назарияси» деб ном олган лингвистик таржима назариясини ишлаб чиқдилар. Ўша даврда таржиманинг фанлараро ҳодиса сифатида тўлиқ англаниши ҳали мавжуд эмас эди, шу боис тадқиқотчиларнинг эътибори асосли равишда унинг тил жиҳатига қаратилган эди. Ушбу назариянинг аҳамиятини ортиқча баҳолаб бўлмайди.[5] (М.Б. Грольман)

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, таржимашунослик таржимани фақат тайёр матн сифатида эмас, балки мураккаб, кўп босқичли ва кўп омилли жараён сифатида ўрганадиган фанлараро илмий соҳадир. Комиссаров, Алексеева, Нелюбин, Хухуни ва Виноградов томонидан берилган таърифлар таржимашуносликнинг предмети кенг қамровли эканини, яъни таржима жараёни, унинг натижаси, усуллари, қонуниятлари ҳамда таржиманинг ижтимоий-маданий аҳамиятини бир бутун тизим сифатида тадқиқ этишга қаратилганини тасдиқлайди. Таржима инсон фаолиятининг қадимий тури бўлиб, у инсоният тарихида турли тилли жамоалар ўртасида мулоқотни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Ёзма ва оғзаки таржиманинг ривожланиши халқлар маданияти, адабиёти ва маънавий қадриятларининг ўзаро алмашинувиغا кенг йўл очган. Шу боис таржиманинг ижтимоий вазифаси фақат



ахборот узатиш билан чекланмай, балки маданиятлараро мулоқотни таъминлашда намоён бўлади. Таржима назариясининг тарихий ривожини тўрт босқичда шаклланган бўлиб, у амалий тажрибани умумлаштиришдан тортиб, меъёрий қарашлар, лингвистик асосланган назариялар ва ниҳоят, таржимани тизимли, илмий йўсинда ўрганишга қадар бўлган йўлни қамраб олади. Айниқса, XX аср ўрталари ва 1950-йиллардан бошлаб таржиманинг илмий тадқиқот объекти сифатида шаклланиши таржимашуносликни мустақил фан сифатида қарор топишига замин яратди. Хулоса қилиб айтганда, таржимашуносликнинг шаклланиши ва ривожланиши таржимани фақат тиллараро мослик масаласи сифатида эмас, балки кенг маданий, ижтимоий ва когнитив жараён сифатида талқин қилиш имконини берди. Бу эса замонавий таржима назарияси ва амалиётини чуқурлаштириш, таржимон тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда таржиманинг жамият тараққиётидаги ўрнини янада аниқроқ белгилаш учун мустақкам илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Список литературы:

1. **Алексеева И. С.** *Введение в переводоведение.* - СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2004. - 352 с.
2. **Нелюбин Л. Л., Хухуни Г. Т.** *Наука о переводе (история и теория).* - М.: Флинта: Наука, 2006. - 216 с.
3. **Виноградов В. С.** *Введение в переводоведение (общие и лексические вопросы).* - М.: Издательство института общего среднего образования РАО, 2004. - 224 с.
4. Translation Studies Today: Old Problems and New Challenges
Vadim V. Sdobnikov. Russian Journal of Linguistics 2019 Vol. 23
No. 2 295-327



5. М.Б. Грольман. История развития переводоведения как науки Татарский государственный гуманитарно-педагогический университет г. Казань, Россия.
6. Gentzler, Edwin (1990). Contemporary Translation Theory: Dissertation submitted for the degree of Doctor of Philosophy in Comparative Literature. Nashville, Tennessee.
7. Gentzler, Edwin (2001). Contemporary Translation Theories. Revised 2nd Edition. Clevedon, Multilingual Matters Ltd.
8. Швейцер А.Д. Теория перевода: статус, проблемы, аспекты. М.: Наука, 1988 [Svejtser, Aleksandr (1988). Teorija perevoda: status, problem, aspekty (Translation Theory: Status, Problems, Aspects). Moscow, Nauka (In Russ.)].
9. Солеева А. Исследование произведения писателя Хан Кан «Вегетарианка» с точки зрения бессознательного. Til va adbiyot. 2025, aprel 8-son; 225 с.
10. Soleeva A. The psychoanalytic landscape of Han Kang's fiction's. FLTAL. Хорижий тил таълими лингводидактикаси ва инновацион асослари. Халқаро илмий-амалий конференция. 2025, 127-132с.
11. Soleeva, A. "New woman" in the modern korean novel "Vegetarian" by Han Hang. Tillarni o'qitish metodikasi sohasidagi zamonaviy tilshunoslik va adabiyotshunoslikning dolzarb masalalari. respublika ilmiy-amaliy anjuman. 2025, 151 с.